

ЧОЙ ЎСИМЛИГИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ, ТАРҚАЛИШИ, АХАМИЯТИ, МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ ВА БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Саидов Мухамади

Термиз давлат университети экология ва тупроқшунослик кафедраси профессори

Аннотатсия: Мақолада Чой ўсимлигини вегетатив қаламчасидан) кўпайтиришида аввало уларни илдиз оттириб, сўнга маълум схемада тайёрлаб қўйилган эгатларга экилади, қаламчаларни экиш мартдан август ойигача давом этади. Уругидан ва қаламчасидан кўпайтирилган ўсимликларга тегишли агротехника чораларини қўллаш муҳим вазифа хисобланади деб ёритиб берилган.

Аннотация: В статье при размножении чайных растений вегетативными черенками их сначала укореняют, а затем высаживают на подготовленные участки по определенной схеме Черенки высаживают с марта по август. Подчеркнуто, что применение соответствующих агротехнических мероприятий для растений, размножаемых семенами и черенками, считается важной задачей.

Abstract: In the article, when tea plants are propagated by vegetative cuttings, they are first rooted, and then planted in prepared areas according to a certain scheme. Cuttings are planted from March to August. It is emphasized that the application of appropriate agrotechnical measures for plants propagated by seeds and cuttings is considered an important task.

Kalit so'zlar: Чой, оч-яшил баргли, ўғитлаш меъёрлари, Қора доғли касаллик, вегетатив қаламчасидан кўпайтириши, юрак фаолияти яхшиланади.

Ключевые слова: Чай, светло-зеленые листья, нормы удобрения, черная пятнистость, размножение вегетативными черенками, улучшается работа сердца.

Key words: Tea, light green leaves, fertilizer rates, black spot, propagation by vegetative cuttings, improves heart function.

Кириш. Чой чойдошлар оиласига, чой (Tea) авлодига мансуб кўп йиллик ўсимлик. Чойнинг келиб чиқиш ватани тўлиқ аниқланмаган. Шунга қарамай чой шифобахш ўсимлик бўлиб Хитойда 2.5 минг йилдан буён ичимлик сифатида истеъмол қилиб келинади. Швед ботаниги К.Линней 1753 йилда биринчи бўлиб, чойни Грек мабудаси (Thea) номи билан атаган.

Чой Хиндистон, Хитой, ва Шри Ланка мамлакатларида кенг тарқалган. Хиндистонда катта майдонларни эгаллаб, асосан шимолий қисмларида етиштирилади. Хиндистонда 500 минг тоннага яқин, Хитойда 350 минг тоннадан ортиқ, Шри Ланкада 200 минг тоннадан ортиқ махсулот етиштирилиб, жахон бозорига чиқарилади. Чой барг ва навдасини олиш учун етиштирилади. Улардан турли рангли ёқимли ичимликлар тайёрланади. Уни тановул қилганда чанқоқ босилади, жисмоний ва ақлий

чарчоқ тикланади, организм тетиклашиб иш қобилият ошади, юрак фаолияти яхшиланад, бош оғриғи пасайиб, шамоллашнинг олди олинади.

Ундаги кофеин моддаси марказий нерв системаларини кўзгаб инсоннинг иш қобилиятини кучайтиради. Чой авлоди (Thea) морфологик белгиларига кўра 2 турга бўлинади: Хитой (T.Sinensis) ва Хиндистон (T.Assamica).

T.Sinensis Япониянинг тур хилларини ва Хитой майда баргли, Хитой ўрта баргли, Хитой йирик баргли тур хилларини ўз ичига олади. T.Assamica махаллаий Ассам, Манипура, Шимолий Цейлон дурагайи, Шан тур хилларини бирлаштиради. Шимолий тур хил ўсимликлари табиий шароитда баландлиги 2-3 метр бўлиб, вертикал ёки ярим тарқоқ холда ўсади. Барглари майда, узунлиги 4-8 см, жанубий тур хиллари ёввойи холда 10 метргача ўсади. Грузияда асосан шимолий тур хиллари ўстирилиб, ўсимликлар дойимий яшил холда бўлиб, Япония, Хитой, Хинди-Хитой ва Хиндистон тур хиллари ўстиралади.

Япония тур хили-паст бўйли бута (1-2 м), шохланади, бўғимлари қисқа (3-4 см), тўқ яшил баргли. Вегетация даври қисқа 150 кун совуққа чидайди, хосилдорлиги паст.

Хитой тур хили-тупи (3-5 м) зич ва ёйиқ шохланишга эга. Бўғимлари қисқа, барги узунлиги (6-8 см). Вегетация даври 210 кунгача сентябрдан кеч кузгача гуллайди -12 -16 °С совуққа чидайди, хосилдорлиги бирмунча юқори.

Хинди-Хитой тур хили – Хиндистон ва Хитой тур хиллари ўртасидаги дурагай, ярим дарахтсимон ўсимлик, бўйи 5-10 м, оч-яшил баргли, йирик шохлар хосил қилади, вегетация даври 250 кунгача, совуққа чидамсиз, -8-9°С гача ўсади, юқори хосилдор.

Чой ўсимлигини кўпайтириш

Чой ўсимлиги генератив (уруғидан) ва вегетатив (қаламчасидан) кўпайтирилади. Уруғидан кўпайтиришда ўсимлик кўсакчалари очилгандан сўнг етилган уруғлар тезда йиғиштириб олиниб, қуёшда 1-2 кун қуритилиб эни 20 см ли эгатларга, ўсимлик оралиғи 10 см да экилади.

Чой ўсимлигини вегетатив (қаламчасидан) кўпайтиришда аввало уларни илдиз оттириб, сўнга маълум схемада тайёрлаб қўйилган эгатларга экилади. Қаламчаларни экиш мартдан август ойигача давом этади. Уруғидан ва қаламчасидан кўпайтирилган ўсимликларга тегишли агротехника чораларини қўллаш муҳим вазифа ҳисобланади. Бунда ёш кўчатларни бегона ўтлардан тозалаш, суғориш ва ўғитлаш ишларини тўғри ташкил этишнинг ахамияти жуда катта. Айниқса суғориш меъёрлари ва муддатлари, ўғитлаш меъёрлари ва муддатларига алоҳида эътибор бериш ахамиятлидир. Суғориш меъёрлари 1 гектар ерга Грузияда 250-400 м³, Озарбайжонда 400-500 м³, Кранодар ўлкасида 250-450 м³ да берилади.

Мавзунинг долзарблиги. Суғориш муддати тупроқ намлиги меъёрий даражада бўлганда берилади. Тупроқ намлигининг меъёрий ҳолатини билиш учун бир сиким тупроқ олиниб, уни қўлда зичлаб ерга ташлаганда сочилиб кетса тупроқ намлиги

меъёрий хисобланади, агар тупрокни қўлда зичлаб ерга ташлаганда сочилиб кетмаса, яхлит холда турса суғориш олиб борилмайди. Суғориш ишлари асосан механизация орқали, ёмғирлатиб суғориш усулида бажарилади. Ўғитлаш ишлари жумладан азотли ўғитларни бериш меъёри 1-5 йиллик плантацияларга хар гектар ерга 100 кг соф модда хисобида бериледи, бунда 6-7 йиллик плантацияларга гектарига 110 кг соф модда хисобида бериледи. Фосфорли ўғитлар қизил тупроқларга гектарига 150 кг, подзолли тупроқларга 100 кг соф модда хисобида меъёрида бериледи. Фосфорли ўғитларнинг асосий қисми ерни экишга таёрлаш даврида бериледи. Калийли ўғитлар 5 йиллик ўсимликларга қизил тупроқларда 200-300 кг меъёрида хар икки йилда бир марта бериледи.

Азотли ўғитлар март-июнда, фосфорли ва калийли ўғитлар эса кузда бериледи.

Чой ўсимлигининг зараркундалари, касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари

Грузиянинг чой плантацияларида барг ўровчи заракундаларнинг бир неча турлари аниқланиб улар қуйидагилардан иборат:

Кўпзахарли барг ўровчиси. Бу зараркунданинг капалаги кичик бўлиб, қанотлари ёйилганда 12 мм ни ташкил этади. Вояга етган қурти узунлиги 20 мм, ғумбаги 15-18 мм. Капалаги 60 дан 130 тагача тухум қўяди, бир мавсумда 3 тагача авлод беради. Қурти қегетация даврида ўсимликнинг ўсув нукталарини ва баргларини шикастлайди. Шикастланган наваларда узунасига ёйиқлар пайдо бўлади, зараркунда баргнинг пастки томонини кемиради.

Узум барг ўровчиси. Крым, Молдавия, Шимолий Кавказ, Грузия, Краснодар ўлкаси ва Озарбайжонда тарқалган. Капалаги қанотлари 24 мм, вояга етган қурти узунлиги 20 мм.

Айиқча зараркундаси. Кавказ ортида кенг тарқалган капалаги қанотлари 12-14 мм. Капалаги бир мавсумда 120-дан 350 гача тухум қўяди. У ёш нихолларнинг илдизларини кемириб зарарлайди.

Қарши кураш. Бир гектар ерга 50 кг 12% ли гепсахлафон препарати пуркалади, алдамчи ем қўлланади. Бунинг учун 15 кг маккажўхори ёрмасига 1 кг рух фосфиди кукунини кўшиб аралаштириб, гектарига 50 кг миқдорида тупроқ устига сепилади. Бу чора баҳорда олиб борилади.

Сарик кўнғиз. Грузияда кенг тарқалган танасини узунлиги 10 мм, қурти узунлиги 15-20 мм. Қурти 10-15 см чуқурликда қишлайди. Кўнғиз баргининг пастки қисмини кемиради, натижада баргда тешиқлар пайдо бўлади. У июннинг иккинчи ярмидан июлнинг ўрталаригача оммавий тарқалади. Бир мавсумда 1 авлод беради.

Кураш чораси. Тупрокни водород гепоксиди билан дудлаш. Бунинг учун кукун 1 м² га 150 г миқдорда экишдан олдин ерга сепилиб борана қилинади.

Узунчоқ дўмбоқча. Краснодар ўлкаси, Ғарбий Грузия, Озарбойжонда кенг тарқалган капалаги узунлиги 2-3 мм, қурти 2 мм. Унинг қурти навдаларни ва баргни зарарлайди энг кўпайган пайтларда ёғочланган навдаларга ҳам шикаст етказди. Унинг зарари чой битига ўхшаш, қурти тўпроқда қишлайди. Баҳорда хаво харорати 10⁰С бўлганда юқорига чиқиб чойнинг юқори ярусларини зарарлайди.

Кураш чораси. Палантацияларда кенг тарқалган пайтда навдалар кучли кесилиб, барглар йиғиштирилиб ёқиб юборилади ва тупроққа кўмиб ташланади.

Емирувчи қалқондор. Бу зараркунанда Грузиянинг Аджория зонасида кенг тарқалган бўлиб, карантин зараркунанда хисобланади. Қалқондорнинг буйи 1.8 мм, қанотлари 1,5 мм, қалқони сарғиш рангли, асосан баргни зарарлайди. Унинг қурти қишлайди, 1 йилда 3 авлод беради, 90-100 тагача тухум қўяди. У кўпайган вақтда зарарланган барглар сарғайиб, кучсизланиб, тўкилиб кетади.

Кураш чораси. Чой плантациялари 5 ёшга етганда 1 гектарга 50 кг хисобида 0.3 % ли карбофос эритмаси пуркалади, навдаларни кучли кесиш, баргларни йиғиб олиб ёндириб тупроққа кўмиб юборилади.

Ционафилли қалқондор. Грузияда кенг тарқалган, қалқони думолоқ шаклда, барглар ва навдаларда узунчоқ шакллари хам учратиш мумкин. Қалқони жигарранг-сарғиш, диаметри 2 мм атрофида. Қаноти ёйилганда 1,3 мм, танасининг узунлиги 0,5 мм. Палантацияларда баргни хамда ёғочланган навдаларни зарарлайди. У баргнинг пастки қисмида ўрнашиб, барг ширасини сўриб озиқланади. Натижада баргда сариқ доғлар пайдо бўлади, сўнгра барг сарғайиб нобуд бўлади ва тўкилиб кетади. У кенг тарқалганда ёғочланган навдаларга ҳам катта зарар келтиради, чой хосилдорлиги кескин камаяди.

Кураш чораси Емирувчи қалқондорга қарши курашга ўхшаш.

Чой шираси. Грузия, Краснодар ўлкаси, Озарбайжоннинг барча чой плантацияларида тарқалган. Шира қанотсиз бўлиб, ёш барглар ва новдаларни зарарлайди. У хатто лимон, мандарин ва апельсин дарахтларига ҳам зарар етказди. Бир мавсумда 10-12 марта авлод беради. Унинг қурти, баъзан ғумбаги қишлайди, баргларда қишлаган қурти баҳорда март апрелда новдаларга ўтади ва бу ерда июнь-июль ойларида ғумбакка айлани, 2-3 хафтадан сўнг ғумбакдан капалаклар чиқади, бир мартада 20-100 тагача тухум қўяди. Битта қурти бирмунча навдаларни ва баргларни зарарлаши мумкин.

Кураш чораси. Зарарланган навдалар ва баргларни кесиб олиб, ёндириб, тупроққа кўмиш.

Чой бити. Грузия ва Краснодар ўлкасининг барча туманларида учрайди. Капалаги оч сарғиш рангли, танаси узунлиги 8-20 мм, қурти сарғиш, узунлиги 5-6 мм бўлиб, баргининг остки қисмини ва ёш новдаларнинг ўсув нуқталарини кемириб яшайди.

Бу зараркунанда нинг курти, бази холларда ғумбаги қишлайди. Баргда қишлаган куртлари март апрел ойларида навдаларга ўтиб, ривожланишини тугатади. Капалаги кулай шароитда йилда 60-80 тухум кўяди. Чой куртларининг навдаларга ўтиши сентябрь-октябрь ойларида бошланиб апрель ойигача давом этади. Битта курти ыирнеча ёш навдани зарарлаши мумкин. Чой бити шамол ёрдамида осонгина бир жойдан иккинчи жойга ўтади.

Кураш чораси. Шикастланган новдаларни кучли яъни бўғим тагидан кесиб, ёндириб, тупрокка кўмиб юбориш.

Чой касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари

Хозиргача чойнинг 200 га яқин касалликлари аниқланган. Чой касалликлари. Уруғни, илдизни, баргни ва ёш новдаларни зарарлайди. Чой касалликларини замбуруғлар, бактериялар, қисман вируслар чақиради. Зарарланган ўсимликларнинг ўсиши сусаяди, озиқ моддаларини ўзлаштириши қийинлашади. Чой плантацияларида кўйидаги касалликлар кенг тарқалган:

1. Сарғиш доғли касаллик. Бу касаллик апрелда пайдо бўлиб май, июнь ойларида авж олади. У барг ва новдаларни зарарлайди, барг юзасида майда оч жигарранг доғлар пайдо булади, сўнгра аста-секин сарғиш рангга киради. Сўнгра майда доғлар қора рангга киради. Замбуруғ споралари шикастланган тўкималарда қишлайди.

Кураш чораси. Ўсимликнинг зарарланган қисмларини кесиб олиб ёндириб юборилади. Плантацияларда новдалар пайдо бўлишдан олдин гектарига 1 % ли бордо суюқлиги пуркалади.

2. Жигарранг доғли касаллик. Чой етиштирадиган барча худудларда учрайди. Ортиқча намланган ерларда унинг зарарлаш даражаси жуда юқори бўлади. Замбуруғ баргни, новдани, баъзан гулни зарарлайди. Касаллик июнь ойининг бошида сўнга ривожланиб июлнинг охири ва августнинг бошларида кенг тарқалади. Барг япроғининг чеккаларида сарғиш доғлар пайдо бўлиб ривожланиб жигаррангга айланиб тўкилиб кетади. Касаллик новдаларга ҳам ўтади унда новда ва барглар иргаликда куриб қолади. Бу касаллик чой тунлари совуқдан зарарланган жойларда кучли намоён бўлади. Касаллик азот ўғитларини ортиқча қуллаганда, паст агротехника шароитида кучаяди.

Кураш чораси. Ўсимликнинг шикастланган қисмларини кесиб олиб, ёндирилади ҳамда 1% бордо суюқлиги сепилади.

Қора доғли касаллик. Бу касалликни замбуруғлар чақиради замбуруғ барг юзасини қошлаб олади, хашоратлар ажратган махсулотлар билан озиқланади. Касаллик баргни кучсиз шикастлаганда баргда майда қора доғлар пайдо бўлиб, кучли шикастланганда бутун барг ва новда қора рангга киради. Касаллик бит ва қалқондорлар шикастлаган ерларда кўп тарқалади.

Кураш чораси. Ўзидан ширин махсулот ажратувчи зараркундаларни йўқотиш (шира,бит).

Бактериал рак. Бу касалликни бактериялар чақиради. Рак билан 2-4 йиллик новдалар зарарланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак. Шикастланган жой дастлаб енгил йўғонлашади, сўнгра қобикда узун буйлаб ёриқлар ҳосил бўлади, ўсимлик бўғимлари қаттиқлашиб қуриб қолади, барглари сарғаяди, ўсув нуқтагача қурийдими. Бу касаллик новдаларда, баргларида шикастланган қисмида ва совуқ таъсирида озорланган новдаларда ровожланиш кучли намоен бўлади. Касалликни чақирувчи бактериялар тупроқда ва шикастланган новдаларда қишлайди.

Фойданилган адабиётлар рўйхати:

1. Чойчилик. Москва Колос 1979 Чихаидзе Г.И. Микеладзе А.Д.
2. Чой етиштиришнинг агрономик қондаси. Тбилиси, Сабчота 1977 й
3. Минерал ўғитлар бўйича қўлланма Московский рабочий , Дукаревич .Б.И 1976 й
4. Субтропик ўсимликларини етиштириш агротехнологияси. Термиз Саидов М. 2022 й